

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР: МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МУРОСА ТАМОЙИЛЛАРИ

СЕМЕЙНЫЕ ОТНОШЕНИЯ: ПРИНЦИПЫ НАЦИОНАЛЬНОГО И ВСЕОБЩЕГО ПРИМИРЕНИЯ

FAMILY RELATION: PRINCIPLES OF NATIONAL AND GENERAL RECONCILIATION

Matlyuba QAHHOROVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
doctor of philosophy, Associated professor at the department
of Humanities and Social sciences
m.qaxxarova@iiu.uz;
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

Mirolim TASHMURODOV,
after named Nizamiy Tashkent State Pedagogical University,
teacher of the Basics of Spirituality and Legal Education
department mirolimtoshmurodov546@gmail.com;
27, Bunyodkor, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2024/1/8

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги шиддатли ижтимоий жараёнларда инсонларнинг ўзаро муносабатларида асосий омил сифатида “муроса” тушунчаси ўта муҳим воқеликка айланаётганлиги изоҳланган. Миллий, этник ва халқаро муносабатларнинг янги мазмун касб этиши, дунёнинг турли бурчакларида турли кўринишлардаги жамиятнинг барча соҳаларидаги манфаатлар тўқнашувлари кўзга ташиланиши, қийин вазиятга тушган одамларнинг ҳимоясини таъминлаш, уларнинг инсонийлик шарафини сақлаб қолиш, айнан муросаю мадора масаласи билан боғлиқлиги уни фалсафа фани нуқтаи назаридан ҳам долзарблигини белгилаб бериши келтирилган. Замонавий лугатларда ҳамда Европада “муроса” сўзининг синоними сифатида “компромисс” атамаси ҳам қўлланилишига тўхталиб ўтилган.

Ушбу мақола муросанинг ижтимоий тамойиллари асосини миллий ва умуминсоний тамойиллар асосига қурилганлиги ва оилада муроса муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган амалий материал бўлиб хизмат қилади. Методик асос сифатида тарихий ва қиёсий таҳлиллار ва хорижий тажриба материаллари тизимлаштириб олинган бўлиб, бугун инсоният тараққиёти иундай бир тарихий босқичга қадам қўйдики, энди ҳеч бир халқ, миллат, давлат, ўзаро алоқага, кенг интеграцияга киришмай, муроса тамойилларига амал қилмасдан умумжаҳон тараққиётига ўзининг ҳиссасини

қўшмай, глобал муаммоларни ҳал этишда қатнашмай ҳамда умуминсоний нормалардан, бойликлардан, ютуқлардан, қадриятлардан фойдаланмай ривожлана олмаслиги фактик далиллар келтирилган.

Оилавий муносабатларда ижтимоий аҳамиятга эга “муроса” тамойиллари ўзининг қандай имманент (илдиз ёки ўзак) хусусиятларига эга? Ўзбек оиласи нисбатан қандай белгилари билан бошқа ижтимоий муносабатлардан ажралиб туради ёки улар билан интеграцияга киришади? Улар ижтимоий детерминизм қонунларига бўйсунадими ёки мутлақ мустақил воқеликларми? Улардаги миллий ва умуминсоний белгилар оила институти ҳаётига қандай ва нималар орқали таъсир этади? Уларни ўлчаш имкони ва механизмлари борми? Тан олишимиз керакки, мазкур саволларнинг барчасига қониқарли жавоб бериш қийин, чунки бу масалалар ижтимоий фалсафада, оилашуносликда кун тартибига қўйилмаган, ҳали муҳокама қилинмаган.

Мазкур мақолада тўпланган манбалар ва эмпирик тадқиқот материалларга таяниб, муаллифлар томонидан юқоридаги саволларга асосли жавоблар илмий асосланиб, оилавий муносабатларда муросанинг янги қирралари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: муроса, “компромисс”, муроса тамойиллари, интеграция, маданий парадигма, этноанъана, оилавий муносабатлар, авлодлараро муносабатлар.

Аннотация: В современных напряженных социальных процессах объясняется, что концепция «компромисса» как основного фактора человеческого взаимодействия становится очень важной реальностью. Тот факт, что национальные, этнические и международные отношения приобретают новый смысл, конфликты интересов во всех сферах жизни общества в разных формах в разных частях мира, обеспечение защиты людей, находящихся в трудных ситуациях, сохранение их человеческого достоинства, и именно вопрос компромисса, становится актуальным с точки зрения философии. Было отмечено, что термин «компромисс» используется также, как синоним слова «компромисс» в современных словарях и в Европе.

В статье основа социальных принципов примирения строится на базе национальных и общечеловеческих принципов и служит практическим материалом, служащим укреплению отношений примирения в семье. В качестве методологической основы систематизированы данные историко-сравнительного анализа и материалы зарубежного опыта, и сегодня развитие человечества вступило в такой исторический этап, что ни одна нация, народ, государство не может внести свой вклад в развитие мира, не вступая во взаимодействия, широкое общение, интеграцию; и тогда следование принципам компромисса преобразуется в основополагающее. Также в работе приводятся фактические доказательства того, что ни одно общество не может развиваться без участия в решении глобальных проблем и без применения универсальных норм, богатств, достижений и ценностей.

Какие имманентные (коренные или стержневые) особенности имеют социально значимые принципы «компромисса» в семейных отношениях? Благодаря каким характеристикам узбекская семья выделяется среди других общественных отношений или интегрируется с ними? Подчиняются ли они законам социального детерминизма или представляют собой совершенно независимые реальности? Как и через что национальный и общечеловеческий характер в них влияет на жизнь института семьи? Есть ли возможность и механизмы их измерения? Надо признать, что на все эти вопросы трудно дать удовлетворительный ответ, поскольку эти вопросы не поставлены на повестку дня в социальной философии, семейных исследованиях и до сих пор не обсуждаются. Опираясь на собранные источники и материалы эмпирического исследования, авторы научно аргументируют обоснованные ответы на поставленные вопросы, акцентируя внимание на новых аспектах компромисса в семейных отношениях.

Ключевые слова: Компромисс, «Компромисс», принципы компромисса, интеграция, культурная парадигма, этнотрадиция, семейные отношения, отношения между поколениями.

Abstract: In this article, it is explained that in today's intense social processes, the concept of «compromise» as the main factor in human relations is becoming a very important reality. The following facts are specified in the article: that national, ethnic and international relations acquire a new meaning, conflicts of interests in all spheres of society in different forms in different parts of the world, ensuring the protection of people in difficult situations, preserving their human dignity, and precisely the issue of compromise, make it relevant from the point of view of philosophy. It was noted that the term «compromise» is also used as a synonym for the word «compromise» in modern dictionaries and in Europe.

This article is based on the social principles of reconciliation based on national and universal principles and serves as a practical material that serves to strengthen reconciliation relationships in the family. As a methodological basis, historical and comparative analyzes and materials of foreign experience have been systematized. Today, human development has entered such a historical stage that no nation or state cannot develop without entering into mutual communication, broad integration, without following the principles of compromise, contributing to the global development, participating in solving global problems, and without using universal human norms, wealth, achievements, values.

What immanent (root or core) features do the socially significant principles of «compromise» in family relationships have? By what characteristics does the Uzbek family stand out from other social relations or integrate with them? Do they obey the laws of social determinism or do they represent completely independent realities? How and through what do the national and universal characters in them affect the life of the family institution. Is it possible to measure them? It must be admitted that it is difficult to give a satisfactory answer to all these questions, since these questions are not

on the agenda in social philosophy, family studies and are still not discussed.

Based on the collected sources and materials of empirical research, the authors scientifically substantiate reasonable answers to the questions posed, focusing on new aspects of compromise in family relationships.

Key words: Compromise, principles of compromise, integration, cultural paradigm, ethnotradition, family relations, relations between generations.

КИРИШ

Тараққиёт тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, оила маданияти зиддиятларсиз, ўз-ўзидан шаклланмаган, замон эҳтиёжларига мос ҳолда ўзгариб, такомиллашиб ҳозирги ҳолатга келган. Ҳозирги кунда ҳам оилавий муносабатлар маданияти эр-хотин, ота-бола, она-бола, қайнона-келин, қайнота-келин, ва бошқа оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тизимида турли даражада, шаклларда намоён бўлмоқда. Оилавий муносабатларнинг тарихи ва тадрижини ўрганишда, ҳозирги шароитда оилани барқарорлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бу масалани ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Оилавий турмуш маданиятининг миллий ва ахлоқий жиҳатлари мавжуд ва доим сақланиб қолади.

Бугунги замонавий луғатларда компромисс атамаси кенг қўлланиб келинмоқда. “Википедия” луғатида “Компромисс” сўзи қуйидагича изоҳланади: “бу қўйилган талабларнинг бир қисмидан ўзаро воз кечиш билан ихтиёрий келишув орқали низони ҳал қилиш. Бундан кўзланган мақсад – томонларни қониктирадиган умумий натижага эришиш” (Википедия). Бизнингча мурасага келиш – бу қарама-қарши манфаатларни мувозанатлаш усулидир. У қарама-қарши позицияларни ҳурмат қилишга асосланади ва демократик тамойилларининг бир қисмидир. Мураса ҳолатида томонлар бир-бирларига тоқат қиладилар. Мураса ҳолатини миллий менталитет, оила, ахлоқ-одоб, давлат ва жамият бошқарувидаги мезон ва меъёрлар маълум даражада жиловлаб туради. Компромисс жараёнида тинчлик ва осойишталик вақтинчалик бўлса, мурасада аҳиллик ва хотиржамлик барқарор ва бардавомдир жараён ҳисобланади.

УСЛУБЛАР

Муросанинг ижтимоий тамойиллари асосан миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланиб, оила институти ва авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган таъсирли

аксиома ҳисобланади. Инсоният тараққиёти шундай бир тарихий босқичга қадам қўйдики, энди ҳеч бир халқ, миллат, давлат, ўзаро алоқага, кенг интеграцияга киришмай, муроса тамойилларига амал қилмасдан умумжаҳон тараққиётига ўзининг ҳиссасини қўшмай, глобал муаммоларни ҳал этишда қатнашмай ҳамда умуминсоний нормалардан, бойликлардан, ютуқлардан, қадриятлардан фойдаланмай ривожлана олмайди.

Бу жараёнларни, қадриятшунос олима, фалсафа фанлари доктори, профессор Р.Х.Рўзиева шундай изоҳлайди, “қадриятларга миллий тикланиш ва ривожланиш нуқтаи назаридан ёндашиш, умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш, улар ўртасидаги диалектик боғлиқликни ўрганиш асосий вазибалардан бири ҳисобланади. Платон назарда тутган “қисмнинг бутунга боғлиқлиги ўз ўзидан аён, “бутун эса қисмнинг моҳиятидир”, деган бугунги глобал тараққиётдаги интеграцион алоқаларни, халқаро муносабатлар субъектларининг яхлитлик, бир-бирига боғлиқлик, келгусида мавжудлик шартидир. Аммо бу яхлитлик, бутунлик “қисмлар” нинг шунчаки йиғиндиси эмас, улар бир-биридан фарқ қиладиган, ўзига зарур бўлган, ҳатто бир-бирига зид нарсалар билан шуғулланган тақдирда ҳам яхлит, бутун амал қиладиган адолатга бўйсундилар, натижада қисмлардаги ўзига хослик, миллийлик рад этилмайди, балки, аксинча, улар сақланган ҳолда, интеграциянинг узлуксизлигига, алоқаларнинг кенг қамровлигига эришилади” (Рўзиева Р., 2011). Мазкур фикрда миллий ва умуминсоний муроса тамойилларини уйғунлигини ўрганмокчи бўлган тадқиқотчилар учун фалсафий аҳамиятга эга бир нарсга қайд этилмокда, у халқ, миллат ҳаётидан жой олган, уларнинг қадриятларига айланган воқеликларда миллий ва умуминсоний белгилар мужассамлиги уқтирилмода.

Хўш, оилавий муносабатларда ижтимоий аҳамиятга эга “муроса” тамойиллари ўзининг қандай имманент (илдиз ёки ўзак) хусусиятларига эга? Улар ўзбек оиласига нисбатан қандай белгилари билан бошқа ижтимоий муносабатлардан ажралиб туради ёки улар билан интерпацияга киришади? Улар ижтимоий детерминизм қонунларига бўйсунадими ёки мутлақ мустақил воқеликларми? Улардаги миллий ва умуминсоний белгилар оила институти ҳаётига қандай ва нималар орқали таъсир этади? Уларни ўлчаш имкони ва механизмлари борми?. Тан олишимиз керакки, мазкур саволларнинг барчасига қониқарли жавоб бериш қийин, чунки бу масалалар ижтимоий фалсафада, оилашуносликда кун тартибига қўйилмаган, ҳали муҳокама қилинмаган. Шундай бўлса-да, биз тўплаган манбалар ва эмпирик

материалларга таяниб уларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Муроса тамойиллари асрлар давомида шаклланиб, кундалик ҳаётимизда қадриятга айланган. Р.Х.Рўзиевнинг қайд этишича, ҳар қандай ижтимоий воқелик, айниқса қадриятлар “икки асрлар давомида давом этиб келаётган, барқарор воқелик сифатида шаклланган ўзак ва кунаро ўзгараётган воқелик таъсирида трансформацияга учраётган, кундалик талаблар таъсирида ўзгараётган қадриятларга (устки қисм) бўлинади. Биринчи, ўзак қисмни, К.Кантор таъбири билан айтганда, ҳатто социал революциялар ҳам ўзгартира олмайди, иккинчи қисмни кунаро эҳтиёжлар, ташқи таъсирлар, интеграцион алоқалар, информатсион оқимлар кундалик эҳтиёжларга мувофиқ ўзгартириши, трансформацияга учратиши мумкин” (Рўзиева Р., 2011). Агар ушбу методологик принципдан келиб чиқсак, оилавий муносабатларда ҳам икки қисм ички ўзак, барқарор ва устки, ўзгарувчан қисмлар мавжуд. Ўзак қисм халқ, миллат шаклланиши, ривожланиши жараёнларида юзага келган, ҳатто социал инқилоблар, тўнтариш ва ўзгаришлар ҳам йўқ қилолмаган, тарихий маданий парадигмага айланиб, ижтимоий бирликнинг имманент белгисига айланган бойликлар, қадриятлар, тажрибалар мажмуасидир. Бу ўзакни ўзгартириш, бошқа қадриятлар, бойликлар ва тажрибалар билан алмаштириш мушкул кечади, ҳатто мумкин эмас. Агар шундай ҳол рўй берса, халқ, миллат ўзлигини, тарихий маданий тажрибасини йўқотади, тарих саҳнасидан тушиб қолади ёки бошқа, “пассионар” (Н.Гумилев фикрича) этносга қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам халқ, миллат тўғрисида гап кетганида, уларнинг генезиси ўрганилганида тарихий маданий ўзакка назар ташланади, унинг имманент белгилари ўрганилади.

Ўзбек оиласидаги оилавий муносабатлардаги муроса имманентлари қуйидаги белгиларда намоён бўлади:

- оила бутунлигини, яхлитлигини асраш;
- репродуктив ва демографик анъаналарга риоя этиш;
- оилада шаклланган иерархияга риоя этиш;
- ижтимоий маконда оила мавқеини мустаҳкамлаш;
- дифференциация (бўлиниш) ва конфедерация (бирлашиш) функцияларини бажариш;
- авлодлараро муносабатларни этноанъана сифатида қадрлаш.

Ўзбек халқида орият, ўз обрўсини сақлашга, тўкмасликка интилиш кучли. Ўзбек бирор нарсага қўл уришидан олдин ёки оиласига тааллуқли бирор хатти-ҳаракатни содир этишидан олдин унинг ўзи ёки оиласи обрўсига қанчалик таъсир этишини кўз

олдига келтиради. Агар шу хатти-ҳаракат ўзининг ёки оиласининг обрўсини тўкса, унга путур етказса, у шу хатти-ҳаракатдан, ҳатто у унга катта зарар етказса ҳам, воз кечади. Бу ўринда ўзбек халқининг ўз анъаналарига, тарихий маданий тажрибаларига содиқлиги кўзга ташланади. Обрўни сақлаш оила институти бутунлигини сақлаш демакдир. Обрўга путур етган жойда оила бутунлигини сақлаш қийин. Оила бутунлиги деганда аввало оила ядроси бўлган ота-она муносабатлари, кейин улар атрофидаги фарзандлар, неваралар ва чеваралар муносабатларидаги яқдиллик, улар ўртасидаги аҳиллик, иттифоқ назарда тутилади. Аввало ота-она (эр-хотин) ўртасида аҳиллик, иноқлик бўлиши даркор. Бу аҳиллик, иноқлик бузилган жойда оила бутунлиги ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Бутунлик азалдан кишиларни қизиқтириб, ўзига жалб этиб келаётган воқелик ҳисобланади. Платон ва Аристотель давлат бутунлигини идеал ижтимоий сиёсий борлиқ сифатида тасаввур этганлар. Улар назарида бутун идеал, инсонлар хатти-ҳаракатларида ушбу идеалга эргашиб, унга талпиниб яшаганларида бахт саодатга эришадилар. Платоннинг илк одамларни бутун, юмолқ, андрогин (қўша жинсли) тасвирлаганида маъно бор. Бундай одамлар, файласуф тасвирига кўра, шундай кучли бўлишганки, улар бир сакраганида Зевс даргоҳига чиқиш қувватларига эга бўлишган. Андрогинларнинг бу фазилатидан Зевс ваҳимага тушган ва уларни иккига, яъни эркак ва аёлга бўлиб ташлаган (Платон, 1991). Хуллас, бутунлик фалсафада етуқлик, комиллик, ривожланганлик тарзида талқин қилинади. Ўзбек халқи оила бутунлиги деганда эр-хотин ва фарзандлар аҳиллигига қурилган оилавий ҳаётни назарда тутди.

Ислонда оила бутунлиги эр-хотин бирлиги орқали эканлиги таъкидланади. “Аллоҳ таоло “Рум” сурасида бундай марҳамат қилади: “Ва Унинг оят белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят белгилар бордир”. Инсонни эркак аёлга ажратиб, жуфт яратишининг ўзи Аллоҳнинг Биру Борлиги, баркамол сифатлар соҳиби эканининг ёрқин далилидир...Аллоҳ таоло инсоннинг ўзидан унга жуфт яратиб беришининг ҳикматини баён қилиб: “сокинлик топишингиз учун” (Мансур А., 2012) демоқда. Дарҳақиқат, эркак фақат аёлдангина сокинлик, ором, ҳузур ҳаловат, осойишталик ва тинчлик топади. Шунингдек, аёл ҳам ўзига керак сокинлик, ором, ҳузур ҳаловат, осойишталик ва тинчликни эркакдан топади” (Юсуф, 2012). Ўзбек

халқи анъаналарига кўра, оила обрўси ҳаё, софлик, ифбат ва садоқат орқали ҳам асралади.

Агар оила аъзолари ушбу умуминсоний фазилатларга эга бўлмаса ёки уларни ўз хатти-ҳаракатларида унутса, муносабатлар кескинлашиши турган гап. Профессор А.Ҳайитметов ёзади: “Ислонда, тасаввуфда, қолаверса, Шарқ мумтоз адабиётида “ҳаё” масаласи ва тушунчасига катта ўрин ва маъно берилган. Ҳаёли бўлиш инсонийликнинг, мусулмончилиқнинг, одоб ахлоқнинг тамал тошларидан бири ҳисобланган. Навоий “Назмун жавоҳир” асаридаги рубоийларнинг бирида ҳаёни, ҳаёли бўлишни қуйидагича улуғлайди:

Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,

Бўстони садоқатқа саҳоб ўлди ҳаё.

Мазмун ҳасоилга ҳижоб ўлди ҳаё,

Эл айнига гўёки ниқоб ўлди ҳаё.

“Ҳаё” ҳозирги тушунчада юксак маданиятлилиқни, камтарлиқни, босиқлиқни англатади. Навоийча, ҳаё инсон обрў эътиборини офтобдек ёритиб, гўзаллаштириб туради. Ҳаё саодат боғини офтоб тафтидан сакловчи булутдир. Шу билан бирга ҳаё инсондаги ёмон ҳислатларни яширгувчи парда, одамнинг кўзини тўсиб турувчи ниқобдир... Демак, ҳаёли бўлиш ҳар қандай одам учун шохга ҳам, гадога ҳам, олимга ҳам, оддий ишчига ҳам зарур бир фазилатдир” (Ҳайитметов А., 1996).

Фарзанд кўриш, халқ, миллат бўлиб яшашнинг шартидир. Ўзбек халқига хос қадриятлардан бири болажонлиқдир. Репродуктивлик, демографик барқарорлиқни таъминлаш, ҳаёт маъносини фарзандлар кўриб, уларни етиштиришда кўриш ўзбек оиласининг олийжаноб анъаналари қаторига қирадиган фазилат ҳисобланади. Ўзбек халқ дostonлари, эртақлари ва мақолларида фарзандлилиқ идеал ҳаёт тарзида улуғланади. Масалан, “Алпомиш” дostonидаги Бойбўри билан Бойсари ўртасидаги низода бефарзандлиги учун ака (Бойбўри) укаси (Бойсари)дан закот талаб этиши сабаб бўлади. “Сир шундаки, Бойбўрининг кўчиб кетганини акаси қўрқоқлик, сотқинлик, ўжарлик, ҳатто мавжуд тартибларга, анъаналарга бўйсунмаслик деб билади. Аслида ҳам шундай эди. Акасининг закот талаб этишини зўравонлик деб қабул қилган Бойсари закотнинг нафақат ижтимоий сиёсий жиҳатлари, шу билан бирга акасининг адолатпарварлиги рамзи, ўзбекона урф-одатларга мувофиқ келадиган анъанавий талаб эканини эсига олмайди. Натижада фожа рўй беради ака-ука бир-бирдан тан олмаслик даражасида йироқлашадилар” (Нишоновна О., 2013). Ака-ука ва уларнинг оилаларидаги муносабатларнинг кескинлашишини

мулкий дифференциация, ёки патриархал урф-одатларнинг, тартибларнинг бузилиши деб талқин этиш мумкин. Қандай бўлмасин, дostonда ўзбек оиласига хос анъаналар ва улардаги ўзгаришлар ўзифодасини топган.

Умуман олаганда ҳар қандай муносабатлар (хоҳ у ҳамкорлик, хоҳ оилавий ришталар, хоҳ дўстлик) да мурасага келиш мумкин. Мурасага келиш қийин бўлиши аниқ, аммо асосийси муносабатларда уйғунликни сақлаш муҳимдир.

НАТИЖАЛАР

Оилавий муносабатларда мурасага келишда, муваффақиятга эришишда қуйидаги оддий тамойилларга амал қилиш ва тоқат қилиш кифоя:

1. Тинглай олиш: мулоқот жараёнида ота-она, ота-она ва фарзанд муносабатларида тинглаш ва бир-бирларининг нуқтаи назарларини тушуниш жуда муҳим, ҳаттоки бу ҳис-туйғуларини нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндошиш керак. Бу ҳар қандай муваффақиятли келишув учун асосдир.

2. Мулоқот қилиш: оила аъзоларининг нуқтаи назарини тушунганингиздан сўнг, ўзининг нуқтаи назаринингизни ҳам билдиришни унутмаслик. Баланс овозда гапирмаслик ҳамда ўз фикрларингиз ва ҳис-туйғуларингизни ҳурмат билан ифодаланг.

3. Ҳурмат қилиш: Мурасага эришишда ҳурмат асосий ҳолат ҳисобланади. Оила аъзоларининг нуқтаи назарини ҳурмат қилиш ва уларнинг ҳолатларини нисбатан самимий муносабатда бўлиш.

4. Муаммоли вазиятларнинг ечим йўлларига эътибор қаратиш. Ўзаро манфаатли бўлган креатив ҳамда бирдек манфаатли ечимларни топишга ҳаракат қилиш.

5. Мослашувчан бўлиш: мурасага келиш мослашувчанликни талаб қилади. Қоникарли ечим топиш учун музокаралар олиб боришга ва қарашларни ўзгартиришга тайёр бўлиш.

6. Сабр қилиш: мурасага эришиш вақт ва куч талаб этади.

Юқоридаги келтириб ўтган омилларимиз кундалик ҳаётимиздаги амал қиладиган тамойиллар ҳисобланади. Республикаимизда оилавий муносабатлар юридик нуқтаи назардан тенг ҳуқуқлик принципи амал қилиб, Оила кодексининг 3-моддасида ҳам белгиланган: “Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашшга йўл қўйилмайди” (Қобулова Д., 2008). Статистика агентлиги 2022 йилда Ўзбекистонда қайд этилган никоҳдан ажралиш ҳолатлари ҳақида маълумотини тақдим қилди. Яъни, 2022 йилда Ўзбекистонда жами 48 734 та оила никоҳдан расман ажрашган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 39 227 тани ташкил қилган. Республиканинг ҳудудлар кесимида никоҳдан ажралиш ҳолатлари сони энг кўп – Тошкент шаҳри (5901 та) ҳамда Фарғона (5445 та) ва Тошкент (5098 та) вилоятларида кузатилган. (Статистика) Статистик агентлиги маълумотномаси ажримлар бўйича вилоятлар кесимида қуйидаги кўринишда (1-расм).

Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб, респондентлар билан анкета сўровномаларини ўтказиб, натижаларни таҳлил қилинганимизда, мурасасизликни сабаблари сифатида респондентлар ажримларга собик турмуш

Nikohdan ajralishlar soni-Jami/Число разводов-Всего/Number of divorces-Total
(yildan, harkiddan/yuz yod, o odinmunitat/for year, in units)

Hududlar	Худудлар	Регiony	Regions	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
O'zbekiston Respublikasi	Ўзбекистон Республикаси	Республика Узбекистан	Republic of Uzbekistan	19903	15646	18345	17580	17393	16392	16154	18201	16417	16901	17794	18603	17879	24025	28811	29647	29340	31929	32326	31389	28233	39349	48733
Qoraqalpog'iston Respublikasi	Қорақалпоғистон Республикаси	Республика Каракалпакстан	Republic of Karakalpakstan	640	583	643	643	667	539	664	702	518	753	870	678	759	902	1213	1134	1075	1309	1344	1243	1020	1467	2067
Andijon	Андижон	Андижанская	Andijan	1086	795	902	1054	884	670	615	795	841	919	1368	1879	1476	2203	2848	2854	2936	3164	4149	3650	3125	3945	5013
Buxoro	Бухоро	Бухарская	Bukhara	1245	962	1011	1115	1033	1012	1115	1112	754	797	853	857	1042	1319	1706	1774	1633	1822	1755	1724	1517	2084	2561
Jizzax	Жиззах	Джиззакская	Jizzax	651	557	560	550	490	520	519	486	490	502	549	469	407	692	788	799	929	1121	1098	1079	1068	1283	1730
Qashg'daryo	Қашқадарь	Кашгарская	Kashg'daryo	631	897	982	957	916	925	868	1116	1037	1096	796	799	838	1144	1611	1754	1838	1952	1626	1567	2010	2867	3471
Navoiy	Навоий	Навоийская	Navoi	1089	860	796	780	819	761	636	566	607	565	545	761	718	940	1082	1127	1026	1115	997	942	931	1224	1431
Namangan	Наманган	Наманганская	Namangan	1196	1077	1015	1034	972	1152	1139	1939	1835	1757	1675	1626	1508	1788	2179	2113	2123	2518	2508	2392	2104	3171	4389
Samarqand	Самарқанд	Самаркандская	Samarqand	1805	873	1262	1165	1414	1644	1589	2046	1773	1350	1857	1838	1787	2410	2787	3059	3311	4007	3725	3468	2961	4174	4904
Surkhdaryo	Сурхдарь	Сурхдарьская	Surkhdaryo	853	615	685	561	639	732	425	580	640	654	500	632	723	993	1342	1462	1422	1812	1885	1889	1600	2264	2804
Sirdaryo	Сирдарь	Сырдарьская	Sirdaryo	640	548	608	562	544	558	545	564	470	694	638	495	569	697	753	800	908	1095	1112	1104	1093	1411	1761
To'lo'kent	Тошкент	Ташкентская	Tashkent	2576	2040	2689	2441	2555	2236	2063	2266	2153	1927	2218	2418	2145	2990	3430	3577	3326	3620	3740	3583	2958	4086	5080
Farg'ona	Фарғона	Ферганская	Fergana	2198	1665	1672	1819	1609	1090	1100	1277	1090	1360	1473	2054	1703	2439	2958	3109	3283	3498	3070	3192	2841	4295	5451
Xorazm	Хоразм	Хорезмская	Xorazm	698	410	660	684	650	676	746	805	743	827	915	557	582	797	1014	996	1152	1325	1025	1027	1098	1507	2137
To'lo'kent sh.	Тошкент ш.	г.Ташкент	г.Ташкент	4595	3764	4860	4215	4201	3877	4130	3947	3466	3700	3537	3540	3622	4631	5100	5089	4378	3571	4292	4529	3899	5571	5934

1-расм:

ўртоғининг рўзгор бошқаришда масъулиятсизлиги 30,8%, мустақил фикри йўқлиги 17,2%, оилага бошқаларнинг аралашуви (қайнона, қайнсингиллар) 31,8% эркакнинг ёмон иллатларга ружу қўйгани 4,3%, оилада аёлга қулдай муносабатда бўлишлари 11,6% хиёнат 3,3% каби омилларни сабаб қилиб келтирган.

Республика ижтимоий фикрни ўрганиш “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган махсус сўровномаларда муроасага келишнинг асосий сабаби сифатида, 2018 йилда респондентларнинг 45,6 %, 2020 йилда 58,6 % оилада фарзандлар бўлиши шарт дейишган. Шу тартибда қисман қўллаб-қувватловчилар 23,3 % ва 24,3 %ни ташкил этган бўлса, бу фикрга қўшилмайдиганлар 22,9% ва 12,6 %ни ташкил қилган. Сўровномага тортилганларнинг 56,3% 2-3 фарзандли, 31,1 % 4-5 фарзандлидир. Умуман, респондентларнинг 81,6 % фарзандлидир (Абдусаматов Х., 2021). Фарзандларнинг кўплиги оилавий муносабатларнинг барқарор давом этишини, кенгайишини, миллий анъаналар билан уйғунлашишини белгилайди. Уларнинг бир-бири билан алоқалари миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлашуви, бир бирига интеграциялашуви омилидир.

Ўзбек оилаларидаги муносабатлар иерархияга қурилгани билан ажралиб туради. Табиийки, бу иерархия бошида оила бошлиғи, одатда эркак туради. Авлодлараро муносабатлар ҳам ушбу иерархияга бўйинсунади. Халқ педагогикаси ота-онани оиладаги иерархик муносабатларнинг бош субъектлари сифатида уларга итоат ва ҳурматни қуйидагича талқин қилади: “Азиз болалар, ота-онангизни ҳурмат қилинг. Ота-онани ҳурмат қилишингиз улар сизнинг қошингизда доимо мухтарам эканликларидан далолат беради. Ота-онангизга фақат ёшлари сизлардан катта бўлганлари учун эмас, балки чақолоқлик вақтингиздан то йигитлик вақтингизгача сизларни тарбиялаб, едириб, кийдириб мактабга юборганлари ва ҳар нарсангизга диққат фидо этганлари учун ҳурмат қилишга, уларга бўйсунишга мажбурсиз. Умрингизнинг ҳар куни, ҳар соатида сизларга қилган хизматларини эсингизга туширинг. Баъзи вақт қарилик уларнинг кайфиятларини бузади, хафа, кўнгилсиз бўлиб юрадилар. Мана шундай вақтларда уларни овутинг, кўнгилларини кўтаринг, қулдиришга ҳаракат қилинг. Уларнинг буюрган хизматларини бўйин товламай адо этинг” (Ҳошимов К, Нишоновас, Иномова М., 1996).

“Оилавий муносабатларда, айниқса ўзбек оилаларида отанинг роли ниҳоятда улкан, деб ёзади педагогика фанлари доктори, профессор

Қ.Мунавваров. Чунки оилада эр ҳамма вақт болаларининг, турмуш ўртоғининг доимий таянчи бўлиб келган. Шу сабабли оиладаги ўғил бола доимо отасига ўхшашга интилган, унинг хатти-ҳаракатига тақлид қилган. Халқимизнинг доно маслаҳатларида ўғил тарбиясида отанинг роли улуғланиб келган. Ота-она намунаси болалар учун кўرғазмали ҳаёт дарсидир. Отанинг онага, она меҳнатига, жамиятга, жамият аъзоларига бўлган муносабати бола қалбида яхшилик ёки ёмонлик, маъқул ёки номаъқул ишлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни вужудга келтиради. Мақсадсиз, тарбия натижаларини ҳисобга олмасдан қилинган ота-оналар меҳнати барибир самарасизлик билан тугайди. Оғзаки сўзлар эмас, балки онгли, ўйлаб қилинган ишлар бола онги ва қалбига бориб етади” (Мунавваров Қ., 1994). Демак, куруқ дидактика, оғзаки панд насихат эмас, балки отанинг ҳулқ атвори, фазилатлари, онага муносабатлари фарзандлар учун ҳаёт дарслиги вазифасини ўтайди. Иерархик муносабатлар мен каттаман, сен кичиклигинг учун менга итоат этишинг даркор, деган ультиматум тарзида эмас, балки маънавий ахлоқий фазилат тарзида амалга оширилади. Эзгу сўз, эзгу ният ва эзгу амал ўз навбатида оилани бошқариш, ундаги муносабатларни йўлга қўйишнинг самарали омилдир. Республика Ижтимоий фикр маркази томонидан ўтказилган социологик сўровномада, “Оилангизда асосан кимнинг гапига қулоқ солишадиган?” деган саволга респондентларнинг 39 % “Отанинг”, 22 % “Катта бобомнинг”, 12 % “Ҳаммамиз тенгмиз”, 11 % “Онамнинг”, 6 % “Бобомнинг”, яна шунчаси “Момомнинг”, 3 % “Катта момомнинг” деб жавоб беради. Демак, оиладаги муносабатларни асосан эркаклар, яъни ота ва катта бобо йўлга қўяди. “Ҳаммамиз тенгмиз” деб жавоб берганлар (12 %) нинг деярли барчаси шаҳарларда, кўп қаватли уйларда яшовчилардир (Ижтимоий).

Оиладаги иерархия муносабатлари расмий ташкилотлардаги иерархиядан фарқ қилади. Бу муносабатлар ўзаро меҳр муҳаббат ва ҳурмат муҳитини шакллантиришга, каттани ҳурмат ва кичикни иззат қилиш тамойилига, эзгу ниятларга ва авлодлараро муносабатларнинг давомийлигини таъминлашга қурилади. “Оиладаги ота-оналар, бобо ва буви, ҳаттоки катта ёшдаги акалар ҳамда сингилларнинг ўзаро муносабатлари оиланинг бошланғич жамоа сифатидаги ҳаёт тарзини ва ўзига хосликни вужудга келтиради. Яхши, мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатлар ва ота-оналарнинг болалари билан маънавий яқинлиги, болаларининг ички дунёсини сезиш, қизиқишлари ва интилишларини олдиндан билиши, ғамхўрлик

килиши ва бошқалар оилавий муносабатларни ташкил этишнинг, тарбиянинг муҳим хусусиятларидир” (Мунавваров Қ., 1994). Умуман, исломий қадриятларда отани улуғлаш тангрини улуғлаш тарзида талқин қилинади. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳ қилиш билан баробардир (Алибеков С., 2003). Демак, Шарқона анъанага мувофиқ оила иерарик муносабатлар оила бошлиғи йўриқлари ва талабларига мувофиқ ташкил этилади. Аммо бу раҳбарлик оилани мустаҳкамлаш, унинг бирлигини, осойишталигини, фаровонлигини таъминлаш, фарзандларни тарбиялаш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу ўринда миллий анъаналарнинг умуминсоний характери кўзга ташланади. Ҳатто оилада отанинг роли катта, ҳал қилувчи хусусиятга эга бўлса ҳам, улар оиланинг бошқа аъзолари ҳуқуқ ва тенгликларига раҳна солмайди, уларни таҳқирламайди.

Ижтимоий маконда оила мавқеини мустаҳкамлаш деганда биз оила аъзоларининг бир-бирининг обрўси, ҳуқуқ ва эркинликлари, шаънини ҳимоя қилиш орқали оиласининг яхлитлигини, шу оилага хос бўлган турмуш тарзини, иерархик тизимни, анъаналарни сақлашга қаратилган ҳатти-ҳаракатларни назарда тутамиз. Рус психологи Г.Гумеров оилавий қадриятлар асосида муросанинг шаклланишини қуйидагича изоҳлайди: “Оила аъзолари яқка тарзда, ҳар ким ўз қизиқиши, интилиши ва касб кори билан яшаса-да, ҳар бир оиланинг ўзига хос, умумий оилавий қадриятлари бўлади. Оила аъзолари ўзининг шу оилага мансублигини, шу оила аъзоси эканини ана шу умумий оилавий қадриятларга муносабати орқали намоён этади” (Гумеров Г., 2012). Масалан, оиладаги иерархик муносабатлар гоҳ юмшоқ, гоҳ қаттиқ талабларга, гоҳо эса мутлақ очик демократик тамойилларга, баъзида эса вазиятга қараб ўзгариб турадиган, паллиатив хусусиятга эга муносабатларга қурилиши мумкин. Кейинги йилларда оилада аёл мавқеининг ошиб бораётгани кузатилади. “Феминистик ҳаракатлар ижтимоий тараққиётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда, бу ўринда замонавийлик ва анъанавийлик, консерватизм ва традиционализм ўртасида кураш муқаррардир” (Қурпатов А., 2007). Айтмоқчи бўлган фикримиз шундаки, оила аъзолари, қандай қарашларни, фикрларни қўллаб-қувватлашмасин, умумий оилавий муносабатларга ҳавф туғилганида ёки шу оила эъзозлайдиган анъаналарга ташқи тазйиқ пайдо бўлганида дарров бирлашадилар ва ҳавфни бартараф этишга интиладилар. Бу узоқ асрлар давомида шаклланган этник инстинқдир. Ҳеч бир халқ, миллат ўз шаъни, ҳуқуқ ва эркинликларининг топталишига жим қараб

туролмайди, у зимдан бўлсада, зўравондан қутулиш пайтини пойлаб, кутиб юради. Оила ҳам шундай инстинқ билан яшайди.

Оила мавқеини асраш тўғриси кишида халқ анъаналари, этник тасаввурлар ва миллий турмуш тарзи орқали шаклланади. Шахс ўзининг индивидуал шаъни топталса, мавқеи камситилса, индамаслиги, чидаши мумкин, аммо оила мавқеига путур етса, у буни халқига, уруғ қабиласига нисбатан беписандлик, ҳақорат сифатида қабул қилади. Этнопсихологик тадқиқотлар кўрсатадики, шахс ўзининг у ёки бу этносга, маданиятга тааллуқли эканини аввало оиласи ва оилавий анъаналари орқали идрок этади. Бундай анъаналарга эга эмас киши топилмайди (Джужикер Х., 1961).

Оила динамик институт бўлгани сабабли унда дифференциация бўлиши табиий ҳолдир. Бу ўринда биз дифференциация деганда оиладан янги оилаларнинг ажралиб чиқишини назарда тутамиз. Кўп авлодли оилаларда бу жараён содир бўлиши табиий ҳолдир. Социологик кузатишлар кўрсатадики, учгача бўлган фарзандларга эга оила субъектлари асосан 18-29 ёшлардаги ёшлардир. Уч ва ундан ортиқ фарзандлар кўришни фақат катта ва кекса истайди. Кўп болали бўлишни истовчи оилалар камайиб бормоқда (Абдусаматов Х., 2021).

Конфедерация янги, мустақил оила қурганларнинг ота-онаси билан ўрнатадиган алоқаларини назарда тутати. “Бундай оилалар мустақил хўжалик юритишса-да, маънавий руҳий жиҳатдан ота-оналарига боғлиқдирлар” (Солдатова Г., 1998). Шу сабабли улар ота-оналаридан узоққа кетмасликка, улар билан алоқаларини узмасликка интиладилар. Ота-она хонадони, ундаги анъаналар янги оилалар учун ибрат мактаби, доимо намуна, уларни ўз атрофида бирлаштириб, бир бирларига яқин қилиб турадиган марказдир. Унинг фарзандлари оиласига таъсири координация хусусиятига эга. Аслида бундай конфедератив муносабатлар ўзбек оилаларига умуминсоний хусусиятлар ҳослигидан дарак беради.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, умуминсоний муроса тамойиллари илмий-фалсафий, социологик ва психологик адабиётларда қўйидагича изоҳланган. 1. Умумий манфаатларни излаш; 2. Келишувга тайёрлик; 3. Ўзаро ҳурмат; 4. Очиклик ва ҳалоллик; 5. Мослашувчанлик; 6. Муқобил ечимларни излаш; 7. Узоқ муддатли оқибатларни ҳисобга олиш.

Мамалкатимизда айнан ижтимоий ҳамкорлик тамойили бугунги кунда оила-маҳалла-таълим муассасалари тизимида амал қилмоқд. Инсон аввало оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий кадриятлар кейинчалик одамлар орасида – маҳалла-қўйда, таълим муассасаларида сайқал топади. “Оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий кадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда” (ПҚЗ160, 2017). Шундай экан, ватанамиз ва халқимизнинг эртанги кунини, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини белгилловчи баркамол авлодни вояга етказишдек улуғ вазифани оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигисиз ҳал этиб бўлмайди десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Юқоридаги тамойилларга бизнингча қуйидагича изоҳ бериш мумкин. Мурса барча томонларни қаноатлантирадиган умумий манфаатлар ва мақсадларни излашга асосланиши; Келишувга эришиш учун ҳар бир томон баъзи ён беришларга тайёр бўлиши; Мурса жараёнида бошқа томонларнинг фикр ва манфаатларини ҳурмат қилиш; Томонлар ўз ниятлари ва талаблари ҳақида очиқ ва ҳалол бўлиш; Мурсага келиш жараёнида мослашувчан ва керак бўлганда ўзгартириш учун очиклик; Агар дастлабки мурсага эришиб бўлмаса, томонлар муаммонинг муқобил ечимларини кўриб чиқишга тайёр бўлиш; Мурса барча томонлар учун узоқ муддатли оқибатларни ҳисобга олиши ва келажакда салбий оқибатларга олиб келмаслигига эришиш. Бугунги глобаллашув жараёнларида умуминсоний мурса масалалари кун тартибига янги “ижтимоий ҳамкорлик”, муносабатларда инсон эркинлиги, консенсуслик, прагматиклик каби мурса тамойиллар ҳам жадаллик билан кириб келмоқда.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдусаматов Ҳ. (2021). Оила институтига никоҳдан ташқари муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. –Ташкент : Фан ва технологиялари навириёт матбаа уйи.
2. Абсатторов, Б. (2019). Шахс маънавий-ахлоқий баркамоллиги мезонларининг фалсафий

- талқинлари. //Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха.
3. Абсатторов, Б. М. (2022). Тасаввуф–ўз-ўзини такомиллаштириш ва ҳақиқатни билиш йўли сифатида. – Варшава : Gospodarka i Innowacje. - 30. – PP. 167-173.
 4. Absattorov, B. M. (2019). Spiritual And Moral Development Of The Person In Modern World. // Central Asian Problems of Modern Science and Education. - 4(2). – PP. 167-173.
 5. Алибеков С. (2003). Маънавиятимиз дурдоналари. –Ташкент : ЎзДЖТУ.
 6. Википедия. (б.д.). URL : <http://www.wikipedia.org>.
 7. Гумеров Г. (2012). Семейные конфликты: Профилактика и лечение. –Москва : Статист.
 8. Дюжикер Х. (1961). National Character and National Stereotypes. - Amsterdam.
 9. Ижтимоий. (б.д.). URL : <https://www.ijtimoiy.fikr.uz/>
 10. Курпатов А. (2007). Конфликты в семье. - Москва : Олма Медиа Групп.
 11. Мансур А. (2012). Куръони Карим маънолорининг таржима ва тафсири (Т. 4). – Тошкент: Шарк.
 12. MAMARASULOVICH, A. B. (2021). Баркамол ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий мезон ва меъёрларнинг ўрни. АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМІЙ ХАБАРНОМА.
 13. Mamarasulovich, A. B., & Ismoil o'g'li, T. M. (2023). GENETIC MARKERS AND EVOLUTIONARY MANIFESTATIONS OF THE “NAFS” CONCEPT. World Bulletin of Social Sciences, 29, 16-19
 14. Мунавваров Қ. (1994). Оила педагогикаси. –Тошкент: Ўқитувчи.
 15. Нишонов О. (2013). Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. –Тошкент: Фан.
 16. Платон. (1991). Собрание сочинений. –Москва: Мысль.
 17. ПҚЗ160. (2017). “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарор. –Тошкент.
 18. Рўзиева Р. (2011). Жамиятнинг маънавий янгиланиши: миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ.
 19. Сикевич З. (1999). Социология и психология национальных отношений. –Санкт-Петербург: Питер.
 20. Солдатова Г. (1998). Психология межэтнической напряженности. –Москва: Книжный мир.
 21. Статистика (б.д.). www.statistika.uz.
 22. Убайдуллаева Р. (2012). Семья в Узбекистане. – Тошкент.
 23. Хайитметов А. (1996). Ўғитлар олами.//Оила бир гулшани... –Тошкент: Ўқитувчи.
 24. Хошимов К, Нишонов С, Иномова М. (1996). Ўрта Осиёда педагогик фикр таракқиётдан лавҳар. – Тошкент: Фан.
 25. Юсуф, Ш. М. (2012). Бахтиёр оила. –Тошкент: Шарк.
 26. Қобулова Д. (2008). Ўзбекистон Республикаси Оила ва Меҳнат кодексларининг гендер экспертизаси. – Тошкент: Осиё Тараққиёт Банки.

27. Kakhkhorova, M. M., & Farfiev, B. A. (2023). Family is the Cradle of Values That Ensure the Eternity of Life and Continuity of Generations. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 24, 55-60
28. Qaxxarova, M., & Raximshikova, M. (2023). ПРОБЛЕМА ВОСПИТАНИЯ И ФОРМИРОВАНИЯ СОЗНАНИЯ И МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ. *Farg'ona davlat universiteti ilmiy jurnali*, (1), 169-174.
29. Qakharova, M. (2023). BIOETHICS AS A PRACTICAL PHILOSOPHY OF HUMAN LIFE ACTIVITY. *World Bulletin of Social Sciences*, 23, 24-29.
30. Qaxxorova, M. (2022). Ma'naviy tarbiya strategiyasi. *Islom tafakkuri*.

REFERENCES

1. Abdusamatov H. (2021). Oila institutiga nikohdan tashqari munosabatlar ta'sirining izhtimoiy-psihologik hususiyatlari. – Toshkent: Fan va texnologijalari nashirijot matbaa uji.
2. Absattorov, B. (2019). Shahs ma'naviy-ahloqiy barkamolligi mezonlarining falsafiy talqinlari. *Vestnik Karakalpakskogo gosudarstvennogo universiteta im. Berdaha*.
3. Absattorov, B. M. (2022). Tasavvuf-o'z-o'zini takomillashtirish va haqiqatni bilish yo'li sifatida. *Gospodarka i Innovatsie*, 30, 167-173.
4. Absattorov, B. M. (2019). Spiritual And Moral Development Of The Person In Modern World. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
5. Alibekov S. (2003). Ma'naviyatimiz durdonalari. – Toshkent: O'zDZhtU.
6. Vikipediya. (b.d.). URL : <http://www>.
7. Gumerov G. (2012). Semejnye konflikty: Profilaktika i lechenie. –Moskva: Statist'.
8. Djuzhiker H. (1961). National Character and National Stereotypes. –Amsterdam.
9. Ijtimoiy. (b.d.). [www https://ijtimoiy.fikr.uz/](https://ijtimoiy.fikr.uz/).
10. Kurpatov A. (2007). Konflikty v sem'e. –Moskva: Olma Media Grupp.
11. Mansur A. (2012). Qur'oni Karim ma'nolarining tarzhima va tafsiri (T. 4). –Toshkent: Sharq.
12. MAMARASULOVICH, A. B. (2021). Barkamol joshlarni tarbiyalashda ma'naviy-ahloqiy mezon va meyorlarning o'rni. *ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI ILMIJ HABARNOMA*.
13. Mamarasulovich, A. B., & Ismoil o'g'li, T. M. (2023). GENETIC MARKERS AND EVOLUTIONARY MANIFESTATIONS OF THE "NAFS" CONCEPT. *World Bulletin of Social Sciences*, 29, 16-19
14. Munavvarov Q. (1994). Oila pedagogikasi. –Toshkent: O'qituvchi.
15. Nishonova O. (2013). O'zbek etnomadaniyatining estetik mohiyati. –Toshkent: Fan.
16. Platon. (1991). *Sobranie sochineniy*. –Moskva: Misl.
17. PQ3160. (2017). "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishning jangi bosqichga ko'tarish to'g'risida"gi qaror. –Toshkent.
18. Ro'zieva R. (2011). Jamiyatning ma'naviy yangilanishi: milliy va umuminsoniy qadriyatlar uyg'unligi. –Toshkent: Falsafa va huquq.
19. Sikevich Z. (1999). *Sociologiya i psixologiya natsionalnih otnosheniy*. –Sankt-Peterburg: Piter.
20. Soldatova G. (1998). *Psixologiya mejetnicheskoy napryajonnosti*. –Moskva: Knijniy mir.
21. Statistika (b.d.). www.statistika.uz.
22. Ubajdullaeva R. (2012). *Semya v Uzbekistane*. – Toshkent.
23. Hajitmetov A. (1996). O'gitlar olami//Oila bir gulshanki... Toshkent: O'qituvchi.
24. Hoshimov K, Nishonova S, Inomova M. (1996). O'rta Osiyoda pedagogik fikr taraqqiyotidan lavhalar. – Toshkent: Fan.
25. Yusuf, Sh. M. (2012). Bahtiyor oila. –Toshkent: Sharq.
26. Qobulova D. (2008). O'zbekiston Respublikasi Oila va Mehnat kodekslarining gender ekspertizasi. –Toshkent: Osiyo Taraqqiyot Banki.
27. Kakhkhorova, M. M., & Farfiev, B. A. (2023). Family is the Cradle of Values That Ensure the Eternity of Life and Continuity of Generations. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 24, 55-60
28. Qaxxarova, M., & Raximshikova, M. (2023). PROBLEMA VOSPITANIYA I FORMIROVANIYA SOZNANIYA I MYSHLENIYA MOLODEJI. *Farg'ona davlat universiteti ilmiy jurnali*, (1), 169-174.
29. Qakharova, M. (2023). BIOETHICS AS A PRACTICAL PHILOSOPHY OF HUMAN LIFE ACTIVITY. *World Bulletin of Social Sciences*, 23, 24-29.
30. Qaxxorova, M. (2022). Ma'naviy tarbiya strategiyasi/ Islom tafakkuri.